ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

Қишлоқ ҳақиқати

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

8 НОЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ДУШАНБА
№ 255 (2.661).
Баҳоси 3 тийин.

Бепоён Ватанимиз халқлари ва тараққийпарвар инсоният асримизнинг буюк воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигини зўр тантана билан нишонладилар.

Мамлакатимизда шонли Октябрь тантаналари партия ва халқнинг мустаҳкам бирлиги, совет кишилари қардошларча дўстлигининг улкан байрамига айланди. Совет кишилари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, партия қарорларини амалга ошириш учун астойдил интилаётганликларини яна бир бор намойиш қилдилар.



МОСКВА. 1982 йил 7 ноябрь. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революцияси 65 йиллигининг байрам қилиниши. В. И. Ленин Мавзолейи минбарида. (ТАСС— ЎзТАГ телефотоси).

ҚАРДОШЛИК ИТТИФОҚИДА — КОММУНИЗМ САРИ

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Социалистик Ватан Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини кучқувватга тўлган ва яшнаган ҳолда кутиб олмоқда. 1917 йил октябрининг унутилмас куни жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати бунёдга келган кун бўлиб, инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди.

Бугунги байрам айниқса шонлидир: мамлакат ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Совет Социалистик Республикаларининг буюлмас дўстлиги 60 йилдан бери мустаҳкамланмоқда. Шу иттифоқ нақадар мустаҳкам бўлса, Советлар мамлакатининг ғалаба ва зафарлар йўлидаги одими шунчалик дадил, кенгроқ бўлади.

...Мамлакатнинг бош майдони ушбу серқуёш тонгда кўркам байрам либосида. Унинг қизил деган номи бугун алоҳида мазмун касб этади. Революциянинг қирмизи туси унинг байрам либосига ўтган. ССРнинг, қардош Иттифоқдош республикаларнинг байроқларида Октябрнинг музаффар ранги.

Бош универмаг биносининг олдида революциянинг доҳийси, Коммунистик партия ва дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси В. И. Ленин портрети туширилган алвон, «1917—1982» рақамлари йўлимизнинг бошланиши ва бугунги кунини кўрсатади.

Унинг ёнида ҳилпираб турган байроқ кўтарган революция солдатлари тасвирланган паннони кўрамиз. Паннода: «Халқларга тинчлик, деҳқонларга ер!» деб ёзилган. Ёш Советлар давлатининг илк декретлари ер ва тинчлик тўғрисидаги декретлар бўлганлигининг чуқур рамзий ифодаси бор.

Революцион байроқ қардош халқларнинг ишончли қўлларига топширилган. Бугунги куннинг шиорларида: «Коммунизм ғалабаси сари олға! КПСС XXVI съездининг қарорларини бажарамиз!» деган сўзларни ўқиймиз. Буларда бунёдкорлик одимларини, замонамизнинг улуғворлигини кўрамиз.

Тинчлик ва меҳнат. Совет кишиси — интернационалист учун бу сўзлар бир-биридан ажралмасдир. Тарих музейини безаб турган панога «Яшасин ССРнинг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!» деб ёзилган.

СССР герби, барча Иттифоқдош республикаларнинг герблари билан безатилган Кремлнинг кўҳна деворларида КПСС Марказий Комитетининг: «Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги!» деган чақириқ кўзга яққол ташланади.

Меҳмонларга аталган минбарларда Коммунистик партия ва Октябрь революциясининг ветеранлари, граждан уруши ва Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғорлари, фан ва маданият арбоблари, космонавтлар, чет эллик кўпдан-кўп меҳмонлар туришибди. ССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ҳам шу ерда.

Москваликлар ва пойтахтнинг меҳмонлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарларини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар. **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков** ўртоқлар Мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар. Таниқли совет саркардалари ҳам шу ерда.

Майдон узра Кремль қурантининг бонги янграйди. Соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов очиқ машинада Спасск минорасининг дарвозасидан чиқиб келади. Парад қўмондони машинаси Тарих музейи тарафидан унга пешвоз кела бошлайди. Мавзолей олдида Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали П. Г. Лушев рапорт беради. СССР мудофаа министри қўшинларнинг сафларини айланиб ўтади, парад қатнашчиларини байрам билан қутлайди. Унинг қутловига жавобан майдон узра қудратли «Ура!» садолари янграйди.

СССР мудофаа министри Мавзолей минбарига чиқади ва нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Д. Ф. УСТИНОВ нутқи

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари!

Ҳурматли чет эллик меҳмонлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топширувига биноан сизларни умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

(Давоми иккинчи бетда).

ШАХДАМ ОДИМЛАР

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Қизил байроқлар шамолда аста ҳилпирайди. Инсоният тарихида бурилиш даври бўлган йигирманчи асрнинг асосий воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигини байрам либосида кутиб олган Ўзбекистон пойтахтининг кўчалари ва майдонлари алвон рангда товланади.

Тошкентнинг буюк пролетар революцияси йўлбошчиси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин номидаги бош майдони тантанавор безатилган. Улуғвор монумент — Ильич ҳайкалининг икки томонига илмий коммунизм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари қўйилган. Иттифоқдош республикаларнинг совет халқлари бузилмас қардошлигини, кўп миллатли социалистик давлатнинг метиндек бирлигини акс эттирувчи байроқлари ҳилпираб турибди. Бутун тараққийпарвар инсоният СССРнинг шонли 60 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Транспарантлар, ранг-баранг панно лар КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли адо этишни, халқ фаровонлигини оширишни асосий мақсад қилиб қўйган ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажаришга даъват этади. Улкан-паннода ёзилган «Партия сиёсати — тинчлик сиёсати!» деган сўзлар барча совет кишиларининг фикр-зикрини ифодалайди.

Меҳмонлар учун ажратилган минбарларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, республиканинг машҳур кишилари — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, партия ветеранлари, чет эллик меҳмонлар туришибди.

... Эрталаб соат 10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелқумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаевлар ҳукумат минбарига чиқадилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов парад қўмондонининг рапортини қабул қилади, тантанали маршга тайёр бўлиб турган бўлинмалар сафини айланиб чиқади ва Туркистончи жангчиларга, Тошкент ва бутун республика меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлайди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, ҳукумати номидан уларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги билан қутлайди ва табриклайди. Совет кишилари байрами СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари муносабати билан вужудга келган сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда нишонламоқдалар. Бутун мамлакат сингари республика меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг Марказий Комитети, Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг фаолиятини қизғин маъқуллаб ва ялпиллик билан қўллаб-қувватлаб, партия XXVI съезди тарихий қарорларини фидокорона амалга оширмоқдалар.

Севимли социалистик Ватанимизнинг жанубий чегараларини сергаклик билан қўриқлаётган Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари Советлар мамлакати қуролли ҳимоячилари билан бир сафда турибди. Улар Ленин партияси теварагида мустаҳкам жипслашган ҳолда ўз халқига чексиз садоқат, Ватаннинг жанговар топшириғини шараф билан бажаришга, унинг манфаатларини, озодлик ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрдирлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги, қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли кучлари, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари янграйди. Майдон узра «Ура!» садолари жаранглайди, тўплардан байрам салюти берилади. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари ижро этилади.

(Давоми иккинчи бетда).

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 7 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги муносабати билан қабул маросимини уюштирди.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Залда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советлари Президиумларининг депутатлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, донгдор ишчилар, фан ва маданият арбоблари, космонавт учувчилар бор эдилар.

Қабул маросимида коммунистик ва ишчи партияларнинг таниқли арбоблари, тантаналарда қатнашиш учун Москвага келган чет эллик бошқа меҳмонлар, ССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, руҳонийларнинг намояндалари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев қабул маросимида нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун совет халқи Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини, ўз социалистик давлати туғилган кунини нишонламоқда. Шу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакилларини ана шу байрам билан сидқидилдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Ўртоқлар, биз сизлар орқали барча совет кишиларини, завод ва қурилишларнинг, транспорт, далалар ва фермаларнинг барча меҳнаткашларини, фан, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш барча ходимларини табрикламоқдамиз. Биз Ватаннинг тинч меҳнати посбонлигида турган шавкатли жангчиларни табрикламоқдамиз.

Бизнинг мамлакатимиз — кашшофлар мамлакати, ташаббускорлар ва меҳнатчилар мамлакати анъанага кўра, ўз туғилган кунини коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида ютуқлар билан қутиб олмоқда. Экономика, фан, техника дадил суръатлар билан ривожланмоқда, халқнинг маданий ва маълумот савияси ошмоқда, жамоат фаровонлиги ўсмоқда. Совет кишилари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг олтмиш йиллигини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Коммунистик партия XXVI съезди қарорларини бажаришда актив иштирок этаётганликлари учун бугун мамлакатимизнинг ҳар бир меҳнатчисига, Советлар мамлакатининг ғоят катта бутун меҳнат коллективига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Съезд қарорларининг амалга оширилиши Ватанимиз қудратини яна ҳам кўпроқ оширади, унинг бойлигини кўпайтиради, халқаро позицияларини мустаҳкамлайди.

Ҳозир дунё мураккаб пайтни бошидан кечирмоқда. Империалистлар социализмга ва миллий озодлик ҳаракатларига барча йўналишларда кенг ҳужумни авж олдириб юборганликлари халқаро вазиятни чигаллаштирди. Аммо бизнинг партиямиз, бизнинг халқимиз қийинчиликлар олдида чекинишга одатланмаган.

Ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари Совет мамлакатини ҳеч қачон ғафлатда қолдирмаслиги учун, эҳтимол тутилган агрессор қақшатқич жавоб зарбаси муқаррар берилажагини билиб қўйиши учун биз барча зарур ишларни қилаверамиз. Ўйлайманки, бизнинг қудратимиз ва ҳушёрлигимиз ҳаддидан ошиб кетган баъзи империалистик сиёсатдонлар ҳовурини пасайтириб қўяди.

Совет Иттифоқи бундан буён ҳам кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун қатъиян курашаверади. Биз ядро уруши хавфининг олдини олиш учун куч-ғайратни оширибораверамиз. СССР ва социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатларнинг ташқи сиёсий ташаббуслари айни мана шунга қаратилгандир.

Владимир Ильич Ленин Советлар мамлакати тинчлик учун бошлаган кураш «Оғир ва шиддатли кураш бўлишини» башорат қилган эди. «Халқаро империализм, — деган эди у,— ўзининг бутун кучини бизга қарши сафарбар қилмоқда, лекин... Биз жуда ҳам қулай имкониятларга эгамиз». Бу сўзларни тарих тасдиқлади. Бу сўзларни шу кунлардаги тажриба ҳам тасдиқлаб турибди.

Барча мамлакатларнинг халқлари социализм билан тинчлик ажралмас эканлигини ўз кўзлари билан кўриб турибдилар. Шу боисдан бизнинг сиёсатимизга барча қитъалардаги миллион-миллион кишилар хайрихоҳ бўлиб, уни қўллаб-қувватламоқдалар.

Мен шу ерда ҳозир бўлган чет эл намояндаларига мурожаат этиб, сиёсатимизнинг моҳияти — тинчликсеварликда, биз билан тенг ҳуқуқли ва самарали ҳамкорлик қилишни истайдиган барча мамлакатлар билан ана шундай ҳамкорликка астойдил интилишда эканлигини таъкидламоқчиман. Айни мана шундай йўл инсониятни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун тинчликка олиб келишига астойдил аминмиз.

Биз ўзимизнинг катта байрамимиз кунида социалистик мамлакатларнинг халқларига, мамлакатимизнинг чет эллардаги барча дўстларига, озодлик, тараққиёт ва тинчлик адолатли иши учун барча курашчиларга қизғин қардошлик саломини йўллаймиз!

— Ленинчи партиямиз учун!

— Халқларнинг буюк қардошлиги — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи учун!

— Ҳар бир совет онласининг бахт-саодати ва омонлиги учун!

— Ер юзида мустаҳкам тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун!

— Шу залда ҳозир бўлган барча кишиларнинг сиҳат-саломатлиги учун! Қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

Леонид Ильич Брежневнинг нутқини ҳозир бўлган кишилар давомли қарсаклар билан қутиб олдилар.

Қабул маросими байрамона ва самимий вазиятда ўтди.

Санъат усталари қабул маросими қатнашчилари учун концерт қўйиб бердилар.

(ТАСС).



ТОШКЕНТ. 1982 йил, 7 ноябрь. Ленин номли майдон.

ҚАРДОШЛИК ИТТИФОҚИДА—КОММУНИЗМ САРИ

(Боши биринчи бетда).

Ватан октябрнинг шу ажойиб байрамини шонли юбилей — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида нишонламоқда. Мамлакатимиз халқларининг бузилмас ҳамдўстлиги пролетар интернационализмининг буюк ҳаётбахш кучини, КПСС-нинг ленинча миллий сиёсатини, социализмнинг тарихий ғалабаларини бутун дунёга намойиш этмоқда.

Жонажон Коммунистик партия теварагига жипслашган совет халқи партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш учун матонат билан курашмоқда. Ун биринчи беш йиллик иккинчи йилини муваффақиятли тугаллаш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, Озиқ-овқат программасини бажариш учун ҳамма ерда социалистик мусобақа авж олиб кетди. Мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа потенциаллари, совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси муттасил ўсмоқда, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланмоқда.

Бутун дунёдаги дўстларимиз ҳам совет халқи билан бирга Улуғ Октябрь санасини байрам қилмоқдалар. Социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг ишлари ва ўй-фикрларида Октябрь ғоялари тантана қилмоқда. Улар янги жамият қуришда сўзсиз муваффақиятларга эришдилар.

КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати халқаро воқеаларининг боришига катта таъсир кўрсатмоқда. Советлар мамлакати партиямизнинг XXVI съезди саконинчи йилларга мўлжаллаб қабул қилган Тинчлик программасини матонат билан амалга ошира бориб халқаро майдонда катта кўламдаги янги-янги конструктив ташаббуслар билан чиқмоқда. Бу ташаббуслар қуролсизланиш проблемаларини конкрет ҳал этилишини, халқларнинг ялпи тинчлиги ва хавфсизлиги мустаҳкамланишини кўзда тутади.

Совет Иттифоқи Европада ядровий қуролланишни чеклаш, стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва камайтириш борасида Америка Қўшма Штатлари билан олиб борилаётган музокараларда муваффақиятли ҳал этилиши учун кўп куч-гайрат сарфламоқда. СССР яқинда эълон қилган биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисидаги мажбуриятнинг тарихий аҳамияти бор. Бу мажбурият — ядро урушининг олдини олиш учун, ядро қуролини қонунга хилоф деб эълон этиш учун, қуролсизланиш учун курашдаги муҳим босқичдир. СССР-нинг тинчликсеварлик сиёсати империализмнинг агрессив ниятларига, давлатимиз ва иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигига бўладиган ҳар қандай таҳдидкорликларга қатъий зарба бериш сиёсати ҳамдир. Бу сиёсат халқларни руҳлантиради, тинч келажакни таъминлаш имкониятларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Совет халқи КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ҳамда шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг ленинча ташқи сиёсий йўлни амалга оширишга қаратилган толмас фаолиятини кизғин маъқуллайди ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди.

Совет Иттифоқи социализмнинг манфаатларини, халқларнинг озодлик ва миллий мустақиллик ишини қатъий ҳимоя қилиш билан бирга империализмнинг, аввало АҚШ империализмининг агрессив кучлари ҳарбий тайёргарликларини интенсивлигини мисли кўрилмаган даражага етказиб дунёнинг турли районларида қуролли можаролар ўтини ёқаётганликларини, ядро қуроли билан масъулиятсиз дўқ қилаётганликларини ҳам назарда тутади. Бу кучлар социализмга сиёсий, идеологик ва иқтисодий ҳужумни авж олдириб юборди, халқаро муносабатлар ривожини хатарли йўлга буриб юборишга уринмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош партиялари билан бирга халқаро вазиятга реалистик баҳо бергани ҳолда мамлакатимиз, иттифоқчиларимиз ва дўстларимизнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти раҳбар составининг кенгаши ишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг иштирок этганлиги ана шу ғамхўрликнинг янги бир ифодаси бўлди. Л. И. Брежнев кўрсатмаларида уруш ва тинчликнинг актуал проблемалари чуқур таҳлил этилди, қуролли кучлар ва саноат мудофаа тармоқларининг мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятларида ҳал қилувчи бўғинлар аниқ белгилаб берилди.

СССРнинг Қуролли Кучлари — тинчликнинг қудратли омилидир. Қуролли Кучларимиз жанговар тайёргигини юксак даражада сақлаб, социализм ғалабаларини посбонлигида ҳушёрлик билан турибди. Социалистик Ватан ҳимоясини жонажон иш деб билган совет халқи ва унинг армияси енгилмас-дир! Социалистик Ватанига астойдил содиқ совет жангчилари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг жангчилари билан ягона жанговар сафда туриб, ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан адо этишга ҳамиша тайёрдирлар.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Ура!

* * *

Майдон узра уч карра такрорланган «Ура» садолари янграйди. Артиллерия салюти гумбурлайди. Йиғма оркестр Совет Иттифоқи Давлат гимнини ижро этади.

Москва ҳарбий музика билим юртида таълим олаётган курсантлар — барабанчилар ва фанфарачилар сафи Тарих музейи тарафдан Қизил майдонга кириб келадилар. Анъанага кўра, айни шу билим юртининг тарбияланувчилари Қизил майдондаги қўшинлар парадини бошлаб берадилар.

М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академиянинг тинглovчилари шахдам одим ташлаб, Мавзолей олдидан бир текис саф тортиб, ўтадилар. Уларнинг кетидан В. Н. Ленин номидаги ҳарбий сиёсий академиянинг ўқувчилари борадилар.

Ф. Э. Дзержинский номидаги ҳарбий академия, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский номидаги бронетанк қўшинлари ҳарбий академияси марш бошлайди.

Яқинда 160 йиллигини нишонлаган мамлакатда энг кекса ўқув юрти — В. В. Куйбишев номидаги ҳарбий инженерлик академиясининг парад расчёти ўтади.

Майдондан — Совет Иттифоқи Маршали С. К. Тимошенко номидаги химиявий ҳимоя ҳарбий академиясининг, Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академиясининг, профессор Н. Е. Жуковский номидаги ҳарбий ҳаво инженерлик академияси парадда қатнашувчи қисмлари ўтиб бормоқда.

Навбатдаги колонна устида қизил юлдузли оқ-зангорн байроқ ҳилпирамоқда. Энг кекса ҳарбий денгиз ўқув юрти — М. В. Фрунзе номидаги олий ҳарбий денгиз билим юртининг курсантлари ва офицерлари ўтмоқдалар. Россиянинг атоқли флот саркардалари — Ф. Ф. Ушаков, П. С. Нахимов ва бошқалар мана шу ерда ўқиганлар.

Десантчи — парашютчилар ўтиб бормоқда. Қаҳотли пиёдалар осмондан тушибоқ, жангга киришиб кетишни шиор қилиб олишган. Зангори берет кийган йигитларга шижоатли ҳужумкорлик хислатлари хосдир. Маршда уларнинг кетидан СССР Давлат хавфсизлиги комитети Моссовет номидаги чегара командирлари олий билим юртининг курсантлари, денгиз пиёдалари. Ф. Э. Дзержинский номидаги ички қўшинлар дивизиясининг жангчилари ўтадилар.

Москва ва Калинин шаҳарларидан келган суворовчилар, Ленинграддан нахимовчиларнинг колонналари майдондан ўтиб бормоқда. Уларнинг кетидан РСФСР Олий Совети номидаги Москва Олий умумқўшин командирлар билим юртининг курсантлари саф тортиб келмоқдалар.

М. И. Калинин номидаги гвардиячи мотоўқчи Тамань дивизиясининг жанговар машиналари моторларининг гулдураси майдонни тутади. Таманлилар ортидан ҳаво десант қўшинлари келмоқдалар. Уларни гвардиячи танк Кантемир дивизиясининг колонналари алмаштиради.

Артиллерия ва ракета бўлинмалари Қизил майдонга кириб келади. Парад расчётларида ўзюрар артиллерия установкалари, реактив артиллерия — уларнинг тарихи машҳур «катюша»лардан бошланган.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг зеинт ракета бўлинмалари тантанали маршда. Тактик ва оператив тактик ракеталарнинг расчётлари жанговар техника колоннасини якунлайди.

Мавзолей олдидан йиғма ҳарбий оркестр сафлари ўтади. Шундай қилиб Қизил майдондаги 110-ҳарбий парад тугади. Парад Совет жангчиларининг Ленин васиятларига, совет халқи революцион ва жанговар анъаналарига, партия ишига, Улуғ Октябрь ишига чексиз садоқатининг яна бир ёрқин ва яққол далили бўлди.

... Оркестр садолари тинади. Шундан кейин Москва меҳнаткашларининг кўплаб-кўплаб колонналари Қизил майдонга кириб келади. Кремль девори бўйлаб майдонга машиналар байрам колоннаси кириб келади.

Қирмизи байроқлар билан ўралган транспарантни гўё ел хилпиратаётгандек эди. Қизил байроқда Владимир Ильич Ленин портрети. Ҳар бир совет кишиси учун қадрли бўлиб қолган «Улуғ Октябрга шон-шарафлар!» деган сўзларни ўқиймиз. Халқларга қардошлик, бирлик, интернационал бирдамлик, абадий дўстлик йўлини айни шу Улуғ Октябрь социалистик революцияси кўрсатиб берди. Большевиклар партиясининг миллий масала хусусидаги программавий қарорлари ана шу йўлни очиб берди. Ленин даҳоси бу йўлни чароғон этди.

«Биз ўз олдимизга иккита асосий мақсадни: халқларнинг фаровонлиги ва мустаҳкам тинчликни қўямиз» деб ёзилган транспарант фонида Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик учун, инсониятнинг яхши келажаги учун толмас курашчи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев портрети кўзга ташланади.

Марксизм-ленинизм инсонни дунёда энг олий бойлик деб билишга ҳамиша асосланиб келди ва ҳозир ҳам шундай қилмоқда. Коммунистик идеология инсонпарварлигининг моҳияти ҳам шундадир. Ленин партияси учун тинчликни сақлаб қолишдан кўра каттароқ юмуш, муҳимроқ вазифа йўқ. КПСС XXVI съезди-нинг минбаридан туриб, бутун планетага шу ҳақда қатъий гапирилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев айтган янги конструктив таклифлар шундан яққол далолат беради. Тарихий башорат қила билиш, сиёсий аниқлик, интернационалистик моҳият — халқаро майдонда Ленин партияси олиб бораётган барча ишларнинг ўзига хос хислатидир.

Қизил чинни гулларни ушлаган пионерлар Мавзолейнинг марказий трибунасига кўтариладилар. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарларига гулдасталар ва қизил бантлар топширадилар.

Жонажон мамлакатим бепоён!

Чароғон установкада тасвирланган СССР гербининг олтин ранг бошқаларини қардош халқлар тилларида «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб ёзилган ўн бешта лента ўраган. «Яшасин буюк Ватанимиз» деб ёзилган шиор яркираб турибди.

Биз бу ерда, Қизил майдонда авлодлар билан замонларнинг алоқасини ақл ва қалб билан сезиб турибмиз.

Совет кишилари партия ва давлатнинг ғамхўрлигига жавобан, коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор вазифаларини фидокорлик билан ҳал қилмоқдалар. Катта-катта ҳарфлар билан «КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга оширамиз» деб ёзилган транспарантли установкани минбарлардаги кишилар «Ура!» садолари билан кутиб оладилар.

Зафарларимизнинг кўламлари улкан. Ўн биринчи беш йиллик бошланганидан бери иттифоқдош республикаларнинг шаҳарларида 300 тага яқин саноат корхоналари ишга тушди. Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқариш кучлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мамлакат меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумн маъқуллаган СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш устида матонат билан ишламоқдалар. Ватаннинг меҳнат мароми қудратли равишда дадил давом этмоқда.

Қизил майдонда — пойтахтни намунавий коммунистик шаҳарга айлантириш учун курашаётган москваликларнинг меҳнат рапортлари кўзга ташланади. Улар — мамлакатнинг юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Москва саноати 1982 йил ўн ойи планини муддатидан илгари, 26 октябрда бажарди.

Янги бир ватанпарварлик ташаббуси — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб, 18 декабрда коммунистик шанбалик ўтказиш пойтахт меҳнаткашлари ажойиб анъанасининг давоми бўлди. Шанбаликда москваликлардан 4,5 миллиондан ортиқ киши иштирок этади. Бутун мамлакат уларнинг ташаббусига қўшилди.

Майдон узра Ленин партияси шарафига хитоб сўзлари, Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги, барча совет халқлари интернационал бирлиги, дўстляги ва қардошлигининг байрами — СССР юбилейи муносабати билан табрик сўзлари янграйди. Байрам колонналари узра минг-минглаб кишиларнинг «Ура!» садолари жаранглайди.

Пойтахт меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бошланади.

Москва меҳнаткашлари мамлакатнинг бош майдонини бутун кентлиги бўйлаб тўлдирдилар. СССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг пешқадамлари ўтиб бормоқдалар. Мусобақа ташаббускорлари орасида Пролетар райони колоннаси юришини бошлаб берган «АвтоЗИЛ» бирлашмасининг коллективи бор. Байрам байроқлари орасида таниш эмблема: Зангори бўёғи яркираб турган юк машинаси кўзга ташланади

Совет Иттифоқининг юбилейи йилида заводнинг бош конвейеридан ЗИЛ — 130 маркали 2.000.000инчи автомобиль тайёр бўлиб тушди.

Оғир машинасозлик, Марказий илмий-тадқиқот институти илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи социалистик мусобақасининг пешқадамлари орасида слесарь, цех партия ташкилотининг секретари, машҳур 18- армия ветерани Н. Мартьянов бор. Бу ерда кичик ерга туширилган ва тилларда достон бўлган десант командири Цезарь Куников урушга қадар ишлаган эди. Яқинда Новороссийскда очилган ёдгорлик комплекси унинг жасоратини абадийлаштирди.

— Барча совет жангчилари каби 18- армия жангчилари ҳам неча марталаб ажалга тик боқишган, — деди Н. Мартьянов. — Леонид Ильич Брежнев биз билан бирга мардона жанг қилди. Энг мураккаб пайтларда у солдатлар орасида бўлди. Сиёсий комиссарнинг илҳомбахш, эҳтиросли сўзи жангга, жасоратга чорлади. Уруш ветеранлари Буюк Ғалабанинг қадрини, тинчликнинг қадрини яхши биладилар. Шу боис биз Оқ уйнинг СССР устидан ҳарбий устунликка эришишга қаратилган агрессив йўлини, Рейган маъмуриятининг «Биринчи ядро зарбаси» бериш, чекланган ядро урушини олиб боришдан иборат телбанамо режаларини қаҳр газаб билан қоралаймиз. Бутун совет халқи билан биргаликда КПССнинг, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитети ва Марказий Комитет Сиёсий бюросининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

«Правда» газетаси октябрнинг беш йиллиги байрами тўғрисидаги ҳисоботда Владимир Ильич номидаги завод ишчилари Россияни электрлаштириш ленинча планининг тўнғичи — Каширка учун торф машинаси билан намойишга чиққанликларини хабар қилган эди.

Эндиликда эса бундан 60 йил муқаддам мамлакатда биринчи бўлиб революция йўлбошчисининг номи берилган машҳур корхонанинг вакиллари майдонга кириб келмоқдалар. Завод коллективи уруш йиллари биринчи бўлиб реактив гвардиячи миномётлар — ҳайбатли «Катюша»лар учун снарядлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган эди. Урушдан кейинги йилларда бу ерда биринчи ўзи юрар комбайн яратилди. Мамлакатда биринчи давлат сифат белгиси айни Ильич заводининг электр моторларига берилганди.

Завод цехларида В. И. Ленин олти марта сўзга чиққан. У ишчиларни, улар билан бирга эса ёш совет республикасининг жамики пролетариатини «Ўзининг революцион ишини бажариш»га даъват этган. Ильиччилар Ленининг шу наказини гоят бой революцион жанговар ва меҳнат анъаналари эстафетаси сифатида боболаридан оталарга, оталардан болаларга ўтказиб келмоқдалар. Неварлар ўз боболарининг номларини фахр билан тилга оладилар.

Транспарантларнинг бирига: «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада ильичликлардан 5650 киши қатнашмоқда», — деган сўзлар ёзиб қўйилган. Йирик электр машиналари, электр моторлари кўчма электр станциялар ривожланган социализм босқичида ленинча ГОЭЛРО плани давом эттирилаётганлиги тимсоли бўлмиш бошқа техникани ана шу ишчилар тайёрламоқда.

К. А. Тимирязев номли Қишлоқ хўжалик академияси КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан суръонсиз етти марта мукофотланди. Академия олимлари СССР Озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишда қатнашдилар, ҳозир эса уни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Коллективнинг илмий лойиҳалари колхоз ва совхозлар практикасида кенг қўлланилмоқда. Уларни жорий этишдан ҳар йили 49 миллион сўмлик иқтисодий самара олинмоқда.

Академия — қишлоқ учун юқори малакали кадрлар маскани бўлиб, унинг минглаб талабалари Россиянинг Ноқоратупроқ зонасидаги, барча қардош республикаларидаги далалар ва фермаларда, хўжаликларда меҳнат қилмоқдалар.

М. В. Ломоносов номидаги МДУ студентлари ўқув йилини Ленинские горидаги янги корпусда бошладилар. Студентлар — қардош халқларнинг вакиллари 15 та иттифоқдош республиканинг байроқларини пойтахтнинг Ленин проспектидан Қизил майдон сари кўтариб ўтдилар.

Мамлакат бош олий ўқув юртининг кўп миллатли кўп минг кишилик коллективи ҳозирги замон илм-фанининг асосий йўналишларида меҳнат қилмоқда. МДУ факультетлари ва институтлари 2068 мавзу бўйича тадқиқот ўтказмоқдалар.

Ёш биолог С. Бойков Қизил майдонга яхши кайфият билан келди. Улуғ Октябрь байрами арафасида у Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Қизил майдон узра камалак порлагандек бўлди: Октябрь революцияси орденли «МЭЛЗ» бирлашмаси байрам колоннасининг олдида спектрнинг ҳамма рангида товланиб турган баҳайбат телевизион кинескоп ҳаракат қилиб бормоқда. Унинг экранида бирлашманинг эмблемаси ва «МЭЛЗ» меҳнат кашлариданг 1150 киши 7 ноябргача йиллик планларини бажардилар» деган текст кўзга ташланади.

Мамлакат юбилейига ҳозирлик кўраётган тарихий воқеанинг қатнашчиси — ССР Иттифоқи Советлари I съездининг делегати, истеъфодаги генерал-лейтенант Якуб Жангирович Чанишев меҳмонлар минбарида турибди.

Съезд тўғрисидаги ёдгорлик — В. И. Ленининг ноёб фотосуратини у 60 йилдан буён асраб келмоқда. Октябрдан аввал партия сафига кирган ветеран, Қозонда Совет ҳокимиятини ўрнатган революционер-большевик, Шарқий Туркистон фронтида бригада командири бўлган бу киши бебаҳо ёдгорликни бутун умр бўйи сақлаб келмоқда. Фотосуратнинг орқа томонида Ватан солдати ҳаётининг энг муҳим босқичлари қайд этилган: «Қозон, Фарғона. Москва — Сталинград — Берлин».

— Мен энг бахтиёр одамман, — деди у. — Ҳаётимдаги барча орзуларим ушалди.

Унинг ёнидаги минбарда революция солдатлари бахтли бўлиши учун жанг қилган Совет республикаларининг вакиллари — ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, белоруслар, озарбайжонлар ва бошқа миллат намояндалари турибдилар.

«Трёхгорка»нинг колоннаси ранг-баранг ип газлама ва шойи газламалар билан безатилган. Машҳур корхонада йилига икки юз миллион метрдан кўпроқ шундай газлама ишлаб чиқарилмоқда. Бу дарёнинг сарчашмаси СССР халқларининг кардошлигидалир. Москва, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина ўртасида минг-минглаб километр масофа бор. Лекин уларни дўстлик, ўзаро ёрдам бирлаштириб турибди. Чунки москвалик тўқимачилар иттифоқдош республикалардан олинаётган пахта, станоклар, бўёқлардан фойдаланмоқдалар.

Красная Пресняниинг ўзбекистонга борган вакиллари орасида «Трехгорка»нинг биринчи комсомол қизи Паня Петрушова бор эди. Тўқимачилар бошқа москвaликлар билан бирга Ўрта Осиёнинг қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришга ўз ҳиссаларини қўшдилар, сўнгра эса кўрик ерларни очдилар. Қозогистондаги совхозларнинг бири «Краснопресненский» номи билан аталаётганлиги бежиз эмас.

Гагарин райони — илм-фан райони колоннаси узра дунёда биринчи Ер сунъий йўлдошининг макети кўтарилган. Йўлдошнинг яратилиши — инсониятнинг гоят буюк ютугидир. Советлар мамлакатининг халқи чорак аср муқаддам ана шундай жасорат кўрсатган эди. Орадан яна тўрт йил ўтгач СССР граждани Юрий Гагарин Ер планетасининг космосга чиққан биринчи намояндаси бўлди.

Бизнинг мамлакатимизда космос тинчлик ишига, бутун инсониятнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Совет космонавтлари А. Березовой билан В. Лебедев бугуни кунда ҳам Ер атрофи орбитасида меҳнат вахтасини давом эттирмоқдалар.

Бундан ўн йил муқаддам Ватанимиз мамлакат халқлари қардошлик иттифоқининг ярим асрлик юбилейини нишонлаган пайтда автомат линиялар заводига СССР 50 йиллиги номи берилган эди. Корхона машинасозликда техника тараққиётини белгилаб берувчи маҳсулот ишлаб чиқаради. Ана шу йиллар мобайнида унинг ягона халқ ўҳжалик комплексига қўшаётган ҳиссаси яна ҳам салмоқли бўлиб қолди, маҳсулот етказиб берилаётган жойлар кўпайди. Айни 7 ноябрь арафасида Латвиядаги Лиепая «Сельмаш» заводи учун комплекснинг ўнта автомат линияси топширилди. Уларни ишлаб чиқаришда Россия Федерацияси, Украина ва Болгария Халқ Республикасининг заводлари иштирок этди.

Мамлакат ёшлари қирмизи байроқлар билан Қизил майдонни тўлдириб юборадилар. Кекса авлодлар революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарининг ворислари бормоқда.

Биз бугунги зафарлар тўғрисида рапорт бериб, олтмиш йил мобайнида босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, Советлар мамлакатининг тақдири, бизнинг тақдиримиз бўлиб қолган дўстлигимизнинг ҳаётбахш чашмасини яққол ҳис этамиз. Бу дўстлик КПСС XXVI съезди қарорларини, коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун курашда бизга янги куч-гайрат бахш этмоқда.

...СССР Гимнининг тантанали ва мағрур сўзлари Қизил майдон узра улуғвор янграб, бепоён Ватанимизнинг барча томонларига, бутун планета узра таралмоқда:

Озод Ватанимиз, ортсин
шон-шуҳратинг,
Эллар метин дўстлигин
меҳвари!

Қизил майдондан репортажни ТАСС мухбирлари М. БАРАТЯНЦ, А. БЕЛИКОВ, М. БОРОДИНЯ, Ю. БУРЯК, О. МОСКОВСКИЙ, К. ШЧЕГЛОВ, В. ЯНЧЕНКОВ олиб бордилар.

ШАҲДАМ ОДИМЛАР

(Боши биринчи бетда).

Парад қатнашчилари — ҳарбий бўлинмалар ҳарбий оркестр садолари остида майдон сари кириб келадилар. Қўшинлар хилма-хил турларининг вакиллари тантанали машқ марш билан шаҳдам қадам ташлаб минбарлар олдидан ўтадилар, халқ ўз қуролли кучларини ғамхўрлик билан таъминлаб турган қудратли ҳарбий техника майдонга кириб кела бошлайди. Орадан бироз вақт ўтгач майдонга байроқлар, транспарантлар, плакатлар оқими кела бошлайди. Меҳнаткашларнинг байрам намойиши бошланди. Колонналар узра «Октябрга шон-шарафлар!», «Ленин номи ва иши асрлар оша яшайверади!» деган сўзлар ёзилган шиорлар кўтариб ўтилади. Тошкентнинг меҳнат шоншуҳрати билан йўғрилган байроғи, шаҳар меҳнаткашлари Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаларида қўлга киритган эсдалик ва кўчма Қизил байроқлар мағрур ҳилпирайди.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари бу байрамни ҳам салмоқли муваффақиятлар билан қутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу йил март ойида Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантаналарда берган йўл-йўриқлари ва тавсиялари улар учун жанговар программа, дастуруламал бўлиб қолди. Тошкент саноат корхоналари ва бирлашмаларининг меҳнаткашлари планга қўшимча равишда қарийб эллик миллион сўмлик турли буюм реализация қилдилар, маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига қараганда анча кўпайтирдилар, айни вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришдилар.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси, В. И. Ленин номли электрон техника заводининг меҳнаткашлари шаҳдам қадам ташлаб майдондан ўтадилар. Бу ишчилар коллективлари мусобақалашаётганларнинг ҳамиша олдинги сафларида бормоқдалар, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажаришда намуна кўрсатмоқдалар. Бу ерда октябролди вахтаси ҳам янги меҳнат ютуқлари билан нишонланди, кўпдан-кўп яхши ташаббусларни бошлаб берган ишчилар коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Колонналар узра кўтарилган транспарантларда «Сафимизда биронта ҳам қолоқлар бўлмасин!», «Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига тенглашайлик!» деган даъват сўзлари кўзга ташланади. Шаҳарнинг илғор ишчиларидан йиғирма мингдан ортиқ киши Улуғ Октябрнинг бу йилги байрамини беш йилликнинг икки, уч ва ҳатто тўрт йили топшириғини уддалаш билан кутиб олдилар.

Намойиш қатнашчилари кўтариб ўтаётган транспарантларда «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати» деган даъват кўп марта такрорланади. «Миконд» заводи, «Қизил тонг» бирлашмаси. Тошкентдаги бошқа кўпгина корхоналарнинг меҳнаткашлари фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзларига шиор қилиб олдилар. Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ялпи салмоғи тинмай ўсганлиги бежиз эмас, эндиликда Ўзбекистон пойтахтида ишлаб чиқарилаётган ҳар бешта буюмдан бирига фахрли беш бурчак тамғаси қўйилмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида фабрика маркаси шарафи учун кураш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тошкент ишчилар синфи бундай буюмлар ишлаб чиқаришни ушбу беш йилликнинг бош вазифаларидан бири, деб ҳисобламоқда. Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги байрамигача фақат пландан ташқари халқ учун ўттиз беш минг сўмликдан зиёд турли буюмлар ишлаб чиқарилди.

Тошкент бинокорлари майдондан қутариб ўтаётган плакатлар ва транспарантларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўз зиммаларига олинган план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга интилаётганликлари тўғрисида маълум қилинади. Бугунги Тошкент жуда катта қурилиш майдонидир: Кўп қаватли уйлар тобора кўпайиб янги-янги микрорайонлар ва уй-жой массивлари, саноат корхоналари, маданий-маиший муассасалар корпуслари қад кўтармоқда, метрополитеннинг ер ости трассалари кўпайтирилмоқда.

Байрамнинг ранг-баранг либосдаги колонналари орасида кўзга ташланиб турган оппоқ пахта чаноғи Ўроқ ва Болға иттифоқининг мустаҳкамлигидан яққол далолат беради. «Ватанга олти миллион тонна пахта берамиз!» — чиройли безатилган паннодаги бу даъватда республика барча меҳнаткашларининг мамлакат олдидаги ўз интернационал бурчини бажаришга бўлган азму қарори акс эттирилган.

Ветеранлар ва комсомоллар ёш авлодларининг вакиллари, партия ягона бузилмас онгага бирлаштирган турли касбдаги, хилма-хил миллатга мансуб кишилар байрам колонналаридан ўтиб борадилар. Намойишчилар халқларнинг бузилмас ленинча дўстлиги, мамлакатимиз барча миллат ва элатларининг мустаҳкам бирлиги шарафига айтилган олқиш сўзларига бир овоздан «Ура!» деб жавоб қайтарадилар.


Темирйўлчилар ва автотранспорт ходимлари, коммунал хўжалик, маиший хизмат, савдо меҳнатчилари, адабиёт ва санъат арбоблари, илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари, медиклар, алоқачилар — коммунистик меҳнат, намунали тартиб ва юксак маданият шаҳри номини олиш учун мусобақалашаётган Тошкентнинг бутун меҳнат аҳли майдондан ўтиб бормоқда. Улар Улуғ Октябрь анъаналарига ўзларининг содиқ эканликларини намойиш қилиш учун кўчаларга чиқдилар.

Турли тилларда ёзилган «Тинчлик» сўзи қирмизи байроқлар ва транспарантлар узра, айниқса, яққол кўзга ташланади, одамларимизнинг янги уруш хавфи олдини олиш, планетада тинч бахтли ҳаётни таъминлашдан кўра муҳимроқ мақсади ҳам бўлиши мумкин эмас. Тошкентликлар халқаро кескинликни юмшатишга, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тинимсиз фаолияти учун Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига, шахсан тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежневга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар.

... Намойиш тугайди. Йиғма оркестр майдондан чиқиб кетади. Бироқ байрам оҳанглари тинмайди. Тошкентликларнинг уйларида, шаҳар паркларн ва ҳиёбонларида, маданият саройлари ва ишчилар клубларида яриm тунгача байрам куйлари янграб туради.

Кечқурун Тошкент осмони узра байрам салюти ёлқини порлайди.

А. БАРАНОВ,
В. ГЛАДИЛОВ.
ЎзТАГ мухбирлари.



ТОШКЕНТ, 1982 йил 7 ноябрь. Суратларда: парад ва меҳнаткашларнинг байрам намойиши. В. И. Ленин номли майдонда ҳарбий (ЎзТАГ ва Л. Гусеинов фотолари).

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА БАЙРАМ НАМОЙИШЛАРИ

Совет Ўзбекистони ишчилари, колхозчилари, зиёлилари Октябрнинг 65 йиллигини бунёдкорлик ишларини кенг кулоч ёздириш, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада юксалтириш билан нишонладилар. Республика шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтган байрам тантаналарининг қатнашчилари улуғ Ленин барҳаёт ғояларига ўзларининг содиқ эканликларини яна бир бор тасдиқладилар, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда эришган ғалабалари тўғрисида рапорт бердилар. Улар давлатга дон, сабзавот, картошка ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш планлари бажарилганлиги муносабати билан Леонид Ильич Брежнев республика меҳнаткашларига йўллаган табрикноманинг самимий сўзларига амалий иш билан жавоб беришга шай эканликларини изҳор этдилар, мамлакат Озиқ-овқат программасини бажариш ишига қўшаётган ўз ҳиссаларини кўпайтиришга қарор берганликларини айтдилар.

Қорақалпоғистон пойтахти — Нукусдаги байрам минбарларида ҳозир бўлганлар Автоном республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг колоннасини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Дунёда энг шимолий пахтачилик зонасининг пахтакорлари ғоят қаттиқ сув танқислигига, қум бўронларига ва гармселга қарамай, мўл ҳосил етиштирдилар. Улар пахта тайёрлаш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариб, СССРнинг 60 йиллиги йилида давлатга рекорд миқдорда — 460 минг тонна пахта сотиш учун ҳозир сабот-матонат билан курашмоқдалар.

Шоликорлар ва шоли етиштириш учун қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг колоннасидаги плакатлар ва транспарантлар ғаллакорларнинг СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун интилаётганликларини акс эттириб турарди. Улар шу беш йилликнинг ўзидаёқ ялпи шоли етиштиришни қарийб икки баравар кўпайтириб, уни 500 минг тоннагача етказиш ниятидадир.

Шу куни минг-минглаб кишилар байрам намойишида қатнашдилар. Безатилган колонналар Автоном республика экономикаси ва маданияти гуркираб равнақ топганлигини ёрқин акс эттирди. Автоном республика байрам арафасида ўзининг миллионинчи гражданини нишонлади.

Бухоро — Урал ва Ўрта Осиё — марказ магистрал газ қувурларининг кўпгина фойдаланувчилари, Устюрт ер ости бойлиги разведкачилари Октябрь байрамини ўз иш жойларида кутиб олдилар. Улар байрам вахтасида туриб, энг юқори меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Тошкент областидаги шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари Октябрь санасини тантанали равишда байрам қилдилар. Индустриал Чирчиқда юбилей йили социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарган трансформатор заводининг коллективи намойишни бошлаб берди. Йиллик планни ҳозирдаёқ бажариб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача 1983 йил биринчи квартал планини бажариш мажбуриятини олган «Промтехмонтаж» трестининг монтажчилари шу коллектив билан ёнма-ён бордилар. Улар кетидан «Ўзбекхиммаш» заводининг, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг, бошқа илғор коллективларнинг колонналари борди.

Ангрен кўмирчилари, энергетиклари ва қурувчилари, Олмалиқ ва Бекобод металлурглари, Янгийўл озиқ-овқат корхоналари ишловчилари меҳнатда эришган янгидан янги ютуқлари тўғрисида Улуғ Октябрга рапорт бердилар. Тошкент областининг саноат корхоналари байрам арафасида пландан ташқари қарийб юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Давлатга «оқ олтин» топшириш йиллик планини республикада биринчи бўлиб бажарган пойтахт области колхоз ва совхозларининг пахтакорлари Улуғ Октябрь байрамини зарбдор меҳнат билан нишонладилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика меҳнаткашларига йўллаган табрикномаси Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» топширишдан иборат янги, оширилган мажбуриятни бажариш учун курашда уларни янгидан янги муваффақиятларга руҳлантирди.

Самарқанднинг байрамона либоси шаҳар меҳнаткашларининг В. И. Ленин ғояларига, Коммунистик партия ишига содиқлигини, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга шай эканликларини акс эттирди. Шаҳар корхоналарининг коллективлари умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақада янги меҳнат зафарларига эришганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Мусобақа пешқадамлари — «Кинап», Тажриба заводининг, «Хлопкомаш» заводининг, «8 Март» тикувчилик бирлашмасининг, бошқа корхона ва қурилишларнинг ишчилари ана шуни маълум қилдилар.

Область меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажариш соҳасида олға қараб янги қадам қўйдилар. Область маккажўхорикорлари дон тайёрлаш йиллик планини анча ошириб бажардилар. Сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, қоракўл тери, пилла, жун, мева йиллик планда белгилангандан анча кўп тайёрланди. Ҳозиргача давлат хирмонига тўрт юз минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Самарқандликлар беш йилликнинг иккинчи йили учун пахта етиштириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришга астойдил интилмоқдалар.

Машинасозлар ва нефтчилар, оловкорлар ва бинокорлар, тўқимачилар ва автомобилчилар **Андижон** кўчалари бўйлаб байрам колонналарида юриб бордилар. Шаҳар ва областдаги қарийб юзта корхонанинг вакиллари меҳнат туҳфалари тўғрисидаги рапортлар ёзилган транспарантларни кўтариб минбарлар олдидан ўтдилар. Улар ана шу совғалар билан Октябрь байрамини қувонтирдилар. Улар социалистик мажбуриятларни бажарганликлари, янги маҳсулот ишлаб чиқарганликлари тўғрисида, меҳнат унумдорлигини оширганликлари ҳақида, халқ учун ишлаб чиқараётган моллар сифатини яхшилаганликлари ва турини кўпайтирганликлари тўғрисида умумхалқ тантаналари кунида рапорт бердилар.

Колонналар узра қирмизи транспарантлар яққол кўзга ташланарди. Бу транспарантларда андижонликлар бу йилги кузнинг қийинчиликларини бартараф этиб, область далаларида етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосилини сўнгги чаноғигача йиғиштириб олишдан иборат ўзларининг фахрли бурчини сўзсиз бажаришга тайёр эканликлари изҳор этилган эди. Колхоз ва совхозларда иш қизғин давом этмоқда. Пахтакорлар ана шу байрам кунида ҳам жанговар постда туриб, пахта ортилган трактор поездлари тайёрлов пунктларига узлуксиз келиб туриши учун ёрдамга келган шаҳарликлар билан биргаликда қаттиқ кураш олиб бордилар.

Бухоро областининг меҳнаткашлари байрамни яхши кайфият билан кутиб олдилар. Деҳқонлар катта меҳнат ғалабасини қучдилар — улар байрам арафасида давлатга пахта топшириш йиллик планини бажардилар. Пахтакорлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика меҳнаткашларига йўллаган табрикномасига жавобан илгари қабул қилган мажбуриятларига қўшимча равишда мамлакатга яна 40 минг тонна пахта беришга қарор қилдилар.

Зарафшон водийсида Советлар ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун бўлган жангларнинг қатнашчилари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари Бухорода минбарлар олдидан ўтдилар. Улар орасида Бухоро пиллакашлик фабрикасининг илғор ходимлари — КПСС XXVI съездининг делегати Фотима Ваҳобова ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Валентина Дуровалар бор. Улар беш йиллик мобайнида ўн беш йиллик нормани бажариш мажбуриятини олиб, ҳозир зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг издошлари Бухоро тўқимачилик комбинати, қоракўл заводи, зардўзлик буюмлари фабрикаси, ремонт-механика заводи, Бухоро балиқчилик хўжалиги ва бошқа корхоналар коллективлари сафларида бордилар.

Майдонда болгар халқ қўшиқлари ҳам янгради — қардош Болгариядан келган қурилиш отрядининг аъзолари совет дўстлари билан биргаликда Октябрь санасини байрам қилдилар.

Фарғонанинг бош майдони — байрам намойишлари ўтказиладиган анъанавий жой шу куни айниқса салобатли эди. Гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши, партия ветеранлари, меҳнат ветеранлари, Ватанимиз жанговар ва тинч даврдаги ғалабаларининг сарчашмаларида турган кишилар Октябрь намойишини бошлаб бердилар. Бу намойиш «Советлар мамлакатининг юбилейини муносиб кутиб оламиз» деган шиор остида ўтди.

Область марказининг ишчилар гвардияси минбарлар олдидан ўтишди. Шу йилнинг учинчи кварталида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлган Роза Люксембург номли пиллакашлик фабрикасининг коллективи шу колонна бошида боришдан иборат фахрли ҳуқуққа сазовор бўлди. Нефтни қайта ишловчилар, химиклар, тўқимачилар, пойабзалчилар, улкан химия объектлари ва уй-жойлар барпо этаётган бинокорлар улар кетидан бордилар.

Намойишчилар баланд кўтариб борган паннолар ва диаграммалар байрам олди вахтасида қўлга киритилган ғалабалар тўғрисида бамисоли мароқли китоб саҳифалари сингари ҳикоя қиларди. Область саноати ўн ойлик программадан ташқари 38 миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот реализация қилди, бир неча юз минг сўмлик хом ашё, электр энергияси ва материаллар тежади.

Байрам намойиши қатнашчилари кўтариб борган плакатлар ва транспарантларда бахтли шодиёна ҳаёт учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун тинимсиз ғамхўрлик қилганликлари учун Ленин партиясига, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга изҳор этилган чуқур миннатдорчилик сўзлари кўзга ташланарди.

Наманган меҳнат аҳли Октябрнинг 65 йиллигини муносиб кутиб олди. Шаҳардаги саноат корхоналари йил бошидан буён ўн ойлик топшириқдан ташқари 32 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарди.

Шу беш йилликда икки-уч беш йиллик программани бажариш мажбуриятини олган 53 нафар тўқимачи Наманган аврли газламалар комбинати коллективи байрам колоннасига бошчилик қилди. Меҳнат зарбдорлари ўз сўзларига содиқ — уларнинг ҳар бири меҳнат календарида 1984 йил тугай деб қолган. Корхона ишчиларидан саккиз юзга яқин киши Октябрь байрамини йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш билан кутиб олди. Тўқувчилардан А. Тошбоев билан Т. Дадамирзаевлар эса шахсий беш йиллик программаларини бажарганликлари тўғрисида Октябрь арафасида рапорт беришди.

Областнинг ҳамма районларида бу кун шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг «оқ олтин» сотиш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли равишда адо этишга шайлиги белгиси остида ўтди. Пахта далаларида зарбдор вахта давом этмоқда. Пахтакор хўжаликларни оталиққа олган коллективларнинг намояндалари, студентлар далаларда деҳқонлар билан бирга меҳнат қилмоқдалар. Минг-минглаб теримчилар байрам кунини юксак кўрсаткичлар билан нишонладилар.

Сирдарё областининг меҳнатчилари Октябрь байрамини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида юксак меҳнат муваффақиятларига эришиш билан кутиб олдилар. Гулистонда Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикасининг ходимлари, «Облколхозстрой» трестининг, «Узкоопстроймонтаж» га қарашли механизациялашган кўчма колоннанинг қурувчилари, автотранспортчилар, алоқачилар меҳнаткашларнинг намойишини бошлаб бердилар.

Мирзачўл деҳқонлари қўриқ ерларнинг самарадорлигини, ҳар бир гектарнинг маҳсулдорлигини ошира бориб, бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, бу йил мамлакатга 420 минг тонна Сирдарё пахтасини бериш учун кураш суръатини сусайтирмаяптилар. Сирдарёликларга бир неча йилдан буён оталиқ қилаётган Ўзбекистон пойтахтидаги корхоналарнинг намояндалари, Тошкентдаги олий ўқув юртларининг студентлари бу соҳада уларга катта ёрдам бермоқдалар.

Қурувчилар шаҳри — Янгиерда, энергетиклар шаҳри — Ширинда, областнинг ҳамма район марказларида ҳам байрам намойишлари бўлиб ўтди.

Термизда байрам тантанали равишда ўтди. Термиз меҳнаткашлари жанубий қўшнимиз — Афғонистон Демократик Республикаси билан дўстликни мустаҳкамлаш йўлида кўп иш қилмоқдалар. Шу йилнинг баҳорида Амударё орқали автомобиль-темир йўл кўприги ишга тушганидан кейин икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтиришда шаҳарнинг роли анча ўсди. Термиз локомотив депосининг бригадалари, «Совавто—Термез» автокорхонасининг ҳайдовчилари Афғонистоннинг кўпдан бери шериклари ҳисобланган дарё ходимлари билан бирга 7 ноябрь куни байрам намойишига чиқдилар. «Совавто — Термез» автокорхонасининг ҳайдовчилари қўшни мамлакатга қатнайдиган юк ташиш поездларини ва автомашиналар колонналарини бошқармоқдалар. Бу коллективлар октябрь олди вахтасида яхши ишладилар, халқаро юк ташиш планларини муваффақиятли адо этдилар.

Область деҳқонлари байрамни пахта далаларида фидокорона меҳнат билан нишонладилар. Улар ингичка толали пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Сурхондарё области мана шундай пахта етиштириш юзасидан республикада етакчи ўрин эгаллаб турибди. Бу ерда мавсум охиригача ингичка толали пахта тайёрлаш ҳажмини 300 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Ҳосил учун кураш давом этмоқда.

Жиззах меҳнаткашларининг колонналари В. И. Ленин ҳайкали томон йўл олади. Шаҳарнинг ана шу марказий майдони йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Майдон атрофида янги кварталлар қад кўтарди ва ҳамон қурилмоқда. Байрам арафасида яна бир тўққиз қаватли турар-жой биноси фойдаланиш учун топширилди, кичкинтойлар учун янги болалар боғчасининг эшиклари очилди, кўркам Советлар уйи қуриб битказилди. Шу боисдан ҳам минбарлар олдидан биринчи бўлиб ўтиш ҳуқуқи бинокорларга берилганлиги бежиз эмас. Шаҳар корхоналари байрам олди мусобақасининг ғолиби — пластмасса заводи коллективи улар кетидан майдонга кириб келди. Завод ишлаб чиқаришни узлуксиз оширмоқда. Пластик пленкалар, водопровод ва дренаж қувурлари бу ердан мамлакатнинг кўпгина районларига жўнатилмоқда. Корхона ўзининг асосий маҳсулотидан ташқари чиқиндилардан рўзғор химиясининг 15 та янги турини ишлаб чиқара бошлади. Бу эса аввалги беш йилликдагига нисбатан уч баравар кўп бўлиб, буюмларнинг ҳаммаси «Н» — «янгилик» индекси қўйиб чиқарилмоқда.

Октябрь ойида фойдаланишга топширилган нон комбинатининг коллективи намойишда биринчи марта қатнашди. Бу ерда байрам арафасида торт ва пирожний чиқариш ўзлаштирилди.

Чўлқуварлар Жиззах даштидаги пахтакор хўжаликларда байрамни далада ўтказдилар. Уларда долзарб палла — мисли кўрилмаган оғир об-ҳаво шароитларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ниҳоясига етай деб қолди.

Қашқадарё областидаги саноат корхоналарининг коллективлари байрамни салмоқли туҳфалар билан кутиб олдилар. Улар буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан олдин — 29 октябрь куни бажардилар.

Қаршида ўтказилган намойишда қатнашган колонналарнинг безаклари қўлга киритилган кўпгина меҳнат зафарлари тўғрисида ҳикоя қиларди. Байрам арафасида янги, йил бошидан буён тўртинчи ер ости ёқилғи хазинаси очилди. Шўртан газ комплексининг ва Муборак газ заводи тўртинчи навбатининг қурилиши зарбдор суръатлар билан олиб борилмоқда.

Темирйўлчилар, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ходимлари, автомобилчилар меҳнат рапортлари ёзилган транспарантларни зўр фахр билан кўтариб ўтдилар. Қарши даштини ўзлаштирувчилар колоннасида айниқса кўп киши бор эди. Улар кўпгина шонли ишларни бажардилар. Катта-катта қўриқ массивлар тез суръатлар билан қишлоқ хўжалик оборотига киритилмоқда. Даштда янги поселкалар бунёд этилди, Қарши магистрал каналининг еттинчи насос станцияси, Толлимаржон «Дашт денгизи» қуриб битказилмоқда.

Қизил байроқлар фонида оппоқ пахта чаноқлари яққол кўзга ташланади. Область «оқ олтин» етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқда. Деҳқонлар юбилей йилида ҳам табиат инжиқликларига қарамай, давлатга пахта сотиш юзасидан юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга азму қарор қилишган.

Қизилқум чеккасида қад кўтарган ажойиб **Навоий** шаҳри меҳнаткашларининг октябрь намойишида айниқса кўп киши қатнашди. Намойиш қатнашчиларининг шодиёна чеҳралари, улар минбарлар олдидан кўтариб ўтган чиройли плакатлар энг навқирон область шаҳар ва қишлоқларининг коллективлари умумхалқ байрамига қўлга киритган кўпгина зафарлар тўғрисида рапорт бераётганликларини ҳар қандай сўзлардан кўра ёрқинроқ акс эттириб турарди.

Химиклар ва энергетиклар, қурувчилар, оловкорлар ва транспортчиларнинг колонналари план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилганлигини, партия қарорларини рўёбга чиқариш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига ўз ҳиссаларини қўшиш учун куч ва ғайратларини бағишлашга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Навоийлик деҳқонлар ҳам пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида рапорт берадиган кун яқинлашиб қолди. Намойиш қатнашчилари саноат корхоналарининг коллективлари олти миллион тонналик Ўзбекистон пахтаси учун олиб борилаётган умумхалқ курашида актив қатнашаётганликларидан далолат берувчи плакатларни кўтариб ўтдилар. Завод ва фабрикаларнинг кўпгина ходимлари пахта далаларида меҳнат қилиб, мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда деҳқонларга кўмаклашмоқдалар, Ўроқ ва Болғанинг мустаҳкам қардошлиги намуналарини кўрсатмоқдалар.

Урганчдаги намойишда «Узтрансспецстрой» трестига қарашли Урганч автотранспорт корхонаси ҳайдовчиларининг колоннаси самимий кутиб олинди. Автомобиль хўжалигининг шоферлари учинчи квартал иш якунларига кўра Хоразм область маркази билан Туркманистондаги Тошовуз шаҳри меҳнат коллективлари анъанавий мусобақасининг ғолиблари деб топилди.

Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари ҳам намойишга яхши кайфият билан чиқдилар. Бирлашма ходимларидан юздан кўпроқ киши келгуси йил ҳисобига, йигирма нафар тикувчи моторист хотин-қизлар эса 1984 йил ҳисобига ишламоқдалар.

«Средазтрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари колонналарда фахрли ўринни эгалладилар. Улар юбилей йилининг ўн ойи мобайнидагина мамлакатнинг марказий районларига ва Уралнинг саноат корхоналарига пландан ташқари 350 миллион кубометрдан кўпроқ «зангори ёқилғи» бердилар.

Хоразм пахтакорлари байрамни катта ғалаба билан — «оқ олтин» сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш билан кутиб олдилар. Улар терим суръатини сусайтирмай, Ватанимиз бойлиги ва қудратини кўпайтириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ўз улушини ошириш учун далаларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини байрам қилиш тўғрисидаги репортажни Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирлари П. Барнашевский, Р. Бичурин, Е. Величанская, Л. Долина, Ю. Иброҳимов, Ю. Кукаркин, О. Панова, Ж. Сувонқулов, В. Татаринов, Л. Токарев, А. Фозилов, В. Шумайлов олиб бордилар.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1982 йил январь-октябрь ойлари планини 102,2 процент бажарган, 1981 йилнинг январь-октябрь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 процент ошган. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати 1981 йилнинг январь-октябрига нисбатан 101,0 процентни ташкил этди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари юзасидан январь-октябрь ойлари планини қандай бажарганлиги қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

Биринчи устун — областлар; планнинг бажарилиш проценти: иккинчи устун — маҳсулот реализацияси; учинчи устун — ишлаб чиқариш ҳажми; тўртинчи устун — меҳнат унумдорлиги, бешинчи устун — 1982 йил январь-октябрида ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари 1981 йилнинг январь-октябрига нисбатан процент ҳисобида.

Ўзбекистон ССР	**102,2**	**102,9**	**103,1**	**103,6**
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	**103,9**	**107,7**	**107,9**	**106,3**
Андижон области	**102,6**	**103,4**	**102,8**	**98,4**
Бухоро области	**102,0**	**103,0**	**103,6**	**99,3**
Жиззах области	**103,2**	**104,2**	**105,1**	**102,8**
Қашқадарё области	**100,4**	**100,7**	**100,6**	**109,1**
Навоий области	**103,6**	**104,0**	**103,2**	**110,5**
Наманган области	**105,2**	**105,9**	**105,8**	**102,8**
Самарқанд области	**103,7**	**105,0**	**105,1**	**99,3**
Сурхондарё области	**102,6**	**106,2**	**105,9**	**100,2**
Сирдарё области	**101,1**	**101,0**	**101,1**	**98,8**
Тошкент области	**101,8**	**101,6**	**101,6**	**103,8**
Фарғона области	**101,8**	**101,7**	**101,3**	**103,0**
Хоразм области	**104,1**	**109,8**	**110,0**	**105,8**
Тошкент шаҳри	**101,6**	**102,0**	**102,8**	**105,1**

Республиканинг кўпгина корхоналари ишда ижобий натижаларга эришдилар.

Кўмир ва нефть қазиб чиқариш, электроэнергия ҳосил қилиш, компрессорлар, тракторлар, трактор прицеплари, пахта териш машиналари, шойи газламалар, пайпоқлар, трикотаж буюмлар, чарм пойабзал, сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди.

Қашқадарё областининг корхоналари маҳсулот реализация қилиш юзасидан, Сирдарё ва Қашқадарё областлари эса товар маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан октябрь ойи планини бажармадилар.

СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги корхоналари маҳсулот реализация қилиш, СССР Химия саноати министрлиги, Ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, Қора металлургия министрлиги корхоналари эса маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажармадилар.

Умуман республика саноатида 51 корхона маҳсулот реализация қилиш планини адо этмади, бу эса улар умумий сонининг 3,6 процентини ташкил этади, шу корхоналар пландагидан 45,0 миллион сўмлик кам маҳсулот реализация қилдилар. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Когон ёғ экстракция заводи, Тошкентдаги тўқимачилик комбинати ва «Уртоқ» кондитер фабрикаси, Пискент пахта заводи, «Прогресс» узумчилик совхози ва бошқалар шулар жумласидандир.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари айрим коллективлар планни бажармаётганлиги, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини пасайтириб юбораётганлиги сабабларини текшириб кўришлари, давлат планларини ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга зарур ёрдам беришлари керак. Фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини бутун чоралар билан тежаш асосида корхоналар ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриш, ҳар бир корхона ўн биринчи беш йиллик иккинчи йили планларини ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда умуман беш йиллик топшириқларини адо этиш учун мустаҳкам замин ҳозирлаш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Москва район комитетининг биринчи секретари ўрток Насибжон Турсунович **Турсунов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берди.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 7 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар: иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта: учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

ТОШКЕНТ	0,16	108,43	—	103,13
ХОРАЗМ	0,47	104,33	0,74	94,70
ҚҚАССР	0,70	103,22	0,29	87,37
БУХОРО	0,66	100,89	0,48	43,36
Навоий	1,01	95,19	1,05	71,50
Сурхондарё	0,56	91,04	0,13	58,37
Сирдарё	0,72	86,24	0,49	84,59
Жиззах	0,92	85,01	0,40	75,68
Самарқанд	1,22	84,96	1,66	78,36
Қашқадарё	0,90	84,94	1,47	73,68
Андижон	1,02	83,05	1,26	65,73
Фарғона	1,20	82,48	1,84	70,30
Наманган	0,91	82,41	1,02	57,28
Республика бўйича:	0,81	90,71	0,84	74,06
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	0,75	136,92	0,96	111,16
НАМАНГАН	2,38	135,94	—	38,93
СУРХОНДАРЁ	0,66	111,29	0,29	85,10
БУХОРО	1,38	111,26	2,47	49,35
ҚАШҚАДАРЁ	1,58	100,10	1,40	66,14
Республика бўйича:	1,01	109,14	0,77	77,55

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Ҳазорасп райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Муротов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Давлатёров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳимов, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Бекчонов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Собиров, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Матниёзов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Қутлимуротов;

Қораўзак райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Нанёзов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сирожиддинов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Давлатмуротов, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Пирназаров, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жубанов, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Татов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Камолов.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ

▲ Ўзбекистон пахтакорлари Улуғ Октябрь байрамини далаларда зарбдорларча меҳнат билан нишонладилар. Шаҳарлик ҳашарчилар, студентлар ва мактабларнинг ўқувчилари ҳам улар билан бирга ёнма-ён ишлаб, юбилей йили хирмонини юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

▲ 7 ноябргача республикамизда 5 миллион 350 минг тоннага яқин «оқ олтин» тайёрланди. Шунинг 425 минг тоннаси ингичка толали пахтадир. Бир кунда тайёрланган пахта 47.755 тоннани ташкил этди.

ИПАК ПАХТА БОЙЛИГИМИЗ

● ҚАШҚАДАРЁ. Область меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг шонли байрамини муносиб кутиб олдилар. Эл хирмонига 119.119 тонна ингичка толали пахта етказиб бериб, йиллик топшириқни бажардилар. Ҳосилнинг асосий қисми машиналарда терилди. Ульянов районида 30 минг тонна, Қарши районида 15 минг тонна ипак пахта тайёрланиб, эришилган ғалабага муносиб улуш қўшилди. СССР 60 йиллиги шарафига яна қўшимча 20 минг тонна ингичка толали пахта тайёрлашга қарор қилинди.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

● ХОРАЗМ. Хазорасп райони деҳқонлари умумхалқ байрами — 7 ноябрь куни пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги тўғрисидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватанга 34.850 тонна пахта етказиб берилди. 17 минг тонча «оқ олтин» машиналар бункеридан тўкилди.

Жданов номли, К. Маркс номли, «Ленинград» колхозларининг аъзолари, айниқса, яхши ишладилар. Бу хўжаликларда гектаридан 40—44 центнердан ҳосил олинди. Район пахтакорлари ялпи ҳосилни 38 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

● ҚҚАССР. Қораўзак райони заршунослари 7 ноябрда зафар қучишди. Тайёрлов пунктларига 14.350 тонна пахта етказиб берилди, унинг 9.330 тоннасини механик-ҳайдовчилар териб беришди. СССР Олий Совети сессияси очиладиган кунгача хирмонни 15.500 тоннага етказишга сўз берилди.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

● САМАРҚАНД. Каттақўрғон райони механизаторлари машина терими планини муваффақиятли адо этдилар. Агрегатлар ёрдамида 38.146 тонна «оқ олтин» терилди.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ

● ФАРҒОНА. Областда юбилей йили хирмонини тезроқ бунёд этиш учун бутун куч ва имконият ишга сафарбар этилмоқда. Ҳар бир теримчининг кунлик ўртача терган пахтаси 22,5 килограмм бўлди. Бувайда ва Фарғона районларида эса, бу кўрсаткич 28—30 килограммни ташкил этади.

4.625 тонна пахта тайёрлаган Бувайда районидаги К. Маркс номли колхоз меҳнаткашлари зафар маррасини эгалладилар.

ХЎЖАЛИКЛАР ЮТУҒИ

● ЖИЗЗАХ. Дўстлик районидаги М. Дадажонов номли совхоз ва Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоз йиллик планни бажарди. М. Дадажонов номли совхоз пахтакорлари 10.101 тонна, Тимошенко номли совхоз заршунослари эса, 9.340 тонна пахта тайёрладилар.

МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ

● СИРДАРЁ. Ворошилов районидаги «Победа» колхози «оқ олтин» ижодкорлари 7 ноябрда йиллик планни бажардилар. Гектаридан 29 центнердан ҳосил олиниб, тайёрлов пунктларига 2.890 тонна пахта етказиб берилди.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

● НАМАНГАН. Тўрақўрғон районидаги Димитров номли колхоз пахтакорлари мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда. Улар тайёрлов пунктларига 2.393 тонна пахта етказиб бериб, йиллик планни бажардилар. Ялпи ҳосилни 2.600 тоннага етказиш мажбурияти олинди.

ВАЪДАГА ВАФО

● АНДИЖОН. Бўз районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги кунида катта ғалабага эришдилар — социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Республика хирмонига 2.572 тонна дурдона етказиб берилган бўлса, унинг 80 процентини механик-ҳайдовчилар «пўлат этак»лардан тўкишди. Ҳосилдорликни 45 центнерга етказиб, қўшимча 430 тонна пахта тайёрлаш ғолибларнинг асл мақсадидир.

Москва районидаги «Ленинизм», «Октябрь», «Правда», Навоий номли колхозларнинг аъзолари ҳам йиллик планни бажардилар.

ХИРМОН ЮКСАЛЯПТИ

● СУРХОНДАРЁ. Областнинг олти райони, 31 хўжалиги, 160 бўлими ва 1.249 бригадаси социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Шеробод районидаги Усмон Юсупов номли совхоз давлатга 5.915 тонна ингичка толали пахта сотиб, йиллик планни бажарди. Ялпи ҳосилни 7,5 минг тоннага етказиш учун бутун куч ва имконият ишга солинмоқда.

РАПОРТЛАР ОҚИМИ

● ТОШКЕНТ. Бекобод районидаги «Авангард» совхози эл хирмонига 6.200 тонна, Навоий номли колхоз 4.600 тонна, Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли ва «Интернационал» колхозларининг ҳар бири 2.800 тоннага яқин «оқ олтин» тайёрлаб, йиллик марраси эгалладилар.

ҚАҲРАМОННИНГ ЗАФАРИ

● БУХОРО. Свердлов районидаги Ҳамза номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Кўкламов бошлиқ бригадаси аъзолари пахтадан юқори ҳосил олиб келишмоқда. 7 ноябрь куни улар мажбуриятни бажаришди: гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишди. Ҳосилдорликни 65 центнерга етказиш учун мусобақа байроғи баланд кўтарилди.



Самарқанд область Оқдарё райони территорияси йил сайин кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари қурилиб ишга туширилди.

СУРАТДА: район марказининг умумий кўриниши.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.

ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР

КАМОЛОТ

Саконкапа қишлоғи узра вазмин қадамлар билан куз кириб келди. Далалар, боғ-роғлар ажиб бир саҳоват бахш этган. Узоқ-узоқлардан эсаётган сабо хушбўй олма ҳидини димоққа уфиради. Дала меҳри барчани бағрига чорлаган.

У автобусдан тушди-ю, боғ томон бурилди. Ён-атрофга, она қишлоқ чиройига меҳр билан тикиларкан, қувончдан энтикиб кетди. Мана шу серфайз далалар, боғ-роғлар, оқ кўнгил заҳматкаш инсонлар қалбига қанчалик яқин эканлигини янада чуқурроқ ҳис қилди. Аста одимлаб катта ёнғоқ пойидаги қайнаб тошаётган булоқ ёнида тўхтаб, унга ўйчан разм солди. Зилол сув булоқ кўзидан ерни ёриб чиқади-да яйраб, ёйилиб олади, сўнг ариқчадан дилни қувнатиб жилдиради. Шу тобда отасининг сўзларини эслади. «Одамларимизнинг бахоси йўқ. Ўғлим,—дея кўпинча таъкидлайди моҳир заршунос Муҳаммади ота. — Уларнинг қалби булоқ сувидек мусаффо. Доимо жўшиб, эзгуликка интилиб туради. Уларга суян, эргаш, асло кам бўлмайсан ўғлим».

Холиқул Муҳаммадиев боғ оралаб 4-бригада шийпонига келганида кутганидек отаси колхозчилар учун қовун тилимлаётган экан. У ўғлини кўриши билан қаршисига пешвоз чиқиб, бир сония меҳр билан тикилиб тургач, маҳкам бағрига босди.

— Одамлар, она қишлоқ меҳри сени тезда бағримизга қайтариб келишини биладим. — Ота шундай деб ўғлини пайкал бошига олиб борди. Бир қўлига бир сиқим тупроқ, бир қўлига эса оппоқ пахта тутқазаркан гапида давом этди:

— Бахтим қаерда экан деб шаҳар кезиб, умрни зое кетказиб юрма. Толеинг қўлингда болам, ишон сени ҳақиқий бахт эшигига мана шу эгатлар олиб боради.

Холиқул отасининг пурхикмат сўзларини берилиб тингларкан қўлидаги бир кафт тупроқни, «оқ олтин»ни лабига босди.

Шароит анча оғир эди. Ўшанда. Колхоз ҳали ўзини тутиб олмаган. Пахта ҳосилдорлиги нари борса 20 центнерни ташкил этарди. Устига-устак йиғим-терим ишларининг чўзилиб кетаётганлиги катта кийинчиликларни келтириб чиқарарди. Пахтачиликка механизацияни кенг жорий этиш, машина деҳқон қаноти эканлигига барчада тўла ишонч ҳосил қилиш жуда муҳим эди. Бунинг аҳамиятини Холиқул ҳам вақтида ҳис қила олди. Қатор тенгқурлари каби механизаторлар курсига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тугатиб, хўжаликда биринчи бўлиб агрегатини пахтазорга олиб кирди. Дастлабки йили 150 тонна, иккинчи йили эса 210 тонна пахта териб колхозчиларнинг оғирини енгил қилди. Аввалари у ишлаётган 2-бригадада пахта тайёрлаш йиллик плани бир ойда бажарилаётган бўлса, техника қудрати, механизаторнинг фидокорона меҳнати туфайли тўрт-беш иш кунида ўдалана бошланди. Шу куйи Холиқул Муҳаммадиев узоқ йиллар механизаторлик қилиб, 30 нафарга якин шогирд тайёрлади. Ҳалол меҳнат уни кўпчиликка танитди, мартабасини баланд қилди, обрў-эҳтиромга буркади. Республикада хизмат кўрсатган механизатор деган шарафли номга сазовор бўлди. Колхоз коммунистлари катта ишонч билдириб, КПСС аъзолигига қабул қилдилар.

Колхоз правленияси ва партия комитети бу ишбилармон, тадбиркор ва ташаббускор механизаторни колоқ 5-бригадага бошлиқ этиб тайинлади. Мазкур бригада аъзолари энг чекка участкада, оғир шароитда иш юритардилар. Коллективда ишни йўлга қўйиш эўр омилкорликни талаб этарди. Ёдида, сарҳисоб кезлари эди, ўшанда. Бундай пайтда колхоз правленияси биноси анча гавжумлашиб қолади. Айниқса ваъдани дўндирган заршуносларни қўплаб учратиш мумкин. Бироқ. 5-бригададан ҳеч ким кўринмасди. Холиқул Муҳаммадиев шу тобда уларнинг кайфияти кечинмаларини қалбдан ҳис қилди. Шашт билан бурилиб. 5-бригада томон одимлаб кетди. Янги бригадир шийпонга етиб келганида колхозчилар чеккадаги гулхан атрофида ўйга толганча ўтиришарди.



—Хорманглар, қойил энг қийин дамларда ҳам бўш келмадингиз. — дея таскин берган бўлди.

—Қўй, сен ҳам дилимизни ўртама, —деди Санд ота Ҳайитов. У бироз сукут сақлаб гапида давом этди. — Неча бор айтдим раисга: бригадада ёшлар кўп, улар оғир дамларда тажрибасизлик қилиб, ҳосилни бой бериб қўйишяпти. Бунинг устига кўнгилли дам олиб, хордик чиқариш учун шарт-шароитлар етарли эмас. деб. Ранс кўрук ваъдадан нарига ўтмади. Мана окибат. Каторасига учинчи йили ер чизиб ўтирибмиз

—Ҳамкасблар, — кишиларга юзланди Муҳаммадиев. — Кузатишимча, бригадада аввало ҳамжиҳатлик. масъулиятни чуқур ҳис этиш сезилмайди. Мана. Ғуломжонни мисолга олайлик. Хўжалигимизнинг олди механизаторларидан. Лекин, қатор оралариға ишлов беришда камчиликларга йўл қўйганлиги учун неча бор дакки эшитди. Айрим кишилар эса турли баҳоналарни рўкач қилиб, томорқаларида ишлашга зўр беришяпти. Агар қўлингқўлга берсак. барчани бирдек меҳнат қилишига эришсак албатта кутилган натижага эришамиз.

Шу куни бригада аъзолари галдаги ишларни пухта режалаштириб олдилар. Биринчи йилиёк қосилдорликни 8 центнерга ошириш. фақат аъло сифатли пахта топширишга аҳд қилишди. Аммо бу осонмасди. Бригада бошлиғи билан бирга Жўра Мелиқулов, Риза Шонаев. Ибодат Тожиева каби тажрибакорлар кишилар ўртасида тарбиявий-ташкилий ишларни олиб бордилар. Кишиларга ғамхўрликлар кўрсатиш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Х. Муҳаммадиев коллектив раҳбари сифатида фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учунгина эмас. балки бригада аъзоларининг тақдири учун ҳам масъул эканлигини ҳар қадамда чуқур ҳис қилди. Одамларнинг қувончу, ташвишларига шерик бўлди. У бошқалар қатори Гулчеҳра Холдоровнинг муваффақиятлари ҳақида ўйласа яйраб кетади. Гулчеҳранинг отаси Улуғ Октябрь ғалабаларини, она-Ватанимиз тупроғини фашизм вабосидан сақлаб қолиш йўлида қаҳрамонона ҳалок бўлган. У меҳри дарё одамлар ёрдамида вояга етди. яхши пахтакор сифатида танилди. Яқинда колхоз марказида қурилган янги уйга кўчиб кирди. Ўз вақтида Гулчеҳра ҳам ҳамкасбларининг одамийлиги. олижаноблигини фидокорона меҳнат билан қайтаришга ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳар мавсумда 10—12 тоннадан пахта теряпти. Унинг иш кунгача терган пахтаси 9 тоннадан ошди. Кишилар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ўзлари амалга ошираётган ишнинг аҳамиятини чуқур ҳис қилиш. фидокорона меҳнат туфайли зиммадаги мажбуриятлар адо этиб келиняпти. Кейинги бир йил ичида бригадада ҳосилдорлик 22 центнерга ошди.

Ана шу ажойиб қишлоқнинг ажойиб одамлари ҳам камол топяпти. Бир қатор заршунослар каби Х. Муҳаммадиев ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Пахтачиликни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Ўша бахтли кунда уста заршунос кўкрагига Олтин юлдуз тақиб Москвадан тўғри далага — отаси ёнига ошиқди. Нуроний фарзандига меҳр ва фахр ҳис-туйғулари билан боқаркан деди:

— Пахта йўли ойдин йўл ўғлим. Кўрдингми. чиндан ҳам мана шу эгатлар сени Кремлгача етаклади. Бахтинг бокий бўлсин!

Орадан бир йил ўтгач қишлоқ кишилари унга катта ишонч билдириб Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайладилар. Мана. оддий деҳкон ўғли қаҳрамон. халқининг республика олий органидаги мухтор вакили. Холиқул аканинг ўша кезлардаги қувончи, ҳаяжонини сўз билан ифодалаш қийин. У ўзига кўрсатилаётган юксак ҳурмат,* ишончга жавобан янги марраларни кўзлаб ишга киришди. Қолок 4-бригадани кўшиб олиб, янги довон сари қўраш бошлади. Юбилей йилида ўзи меҳнат қилаётган Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхознинг Жума Сафаров, Шербобо Раҳимов каби илғор бригада бошлиқлари билан ҳамжиҳатликда «60 йилликка — 60 центнердан» ташаббуси билан майдонга чиқди. Район партия комитети бу ҳайрли ҳаракатни қўллаб-қувватлаб. кенг оммалаштирди. Қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари ваъданинг устидан чиқиш учун дақикалар кадрига етиб, сабот-матонат кўрсатиб ишладилар. Натижада областда биринчилардан бўлиб дастлабки маррани. Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 65 йиллиги арафасида эса мажбуриятни шараф билан бажардилар.

Бугун кўёш чарақлаб чиқди. Холиқул ака шодон кайфиятда пахтазор ораларидан йиғим-теримда иштирок этаётган ўн бир фарзандига, умр йўлдоши Қаҳрамон она —Маҳкамтош аяга меҳр билан тикилади. Улар ҳам ота касбини ардоқлаб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб келаётганликларидан қувонади. Ҳалол меҳнат қилиб ўзлигини намоён қилишга; бахт-иқбол топишга имконият яратган Улуғ Октябрга шарафлар бўлсин дейди!

М. ҚАЮМОВ.

ЯГОНА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Октябрь қуёши балқишига 65 йил тўлди. Бу давр тарихан қисқа, аммо асрларга татийди: шу давр мобайнида халқимизнинг эзгу орзу-нияатлари рўёбга чиқди, юртимиз гуллаб-яшнади, қудратли социалистик мамлакат вужудга келди. Бугунги кунда жаҳон халқлари орзу қилаётган тинчлик, дўстлик, илҳомбахш меҳнат ва шулар замирида келиб чиқадиган кисон бахт-саодатини бизларга Улуғ Октябрь инқилоби берди.

Биз, совет кишилари Октябрь инқилоби берган ҳақ-ҳуқуқлардан ғоят фахрланамиз. Айниқса бугунгидай байрам арафасида шулар ҳақида ўйлаш ёқимли ва мароқлидир. Мен шу ўринда инқилоб берган бахт-саодат замирида вужудга келган ягона Ватан туйғуси ҳақида фикр юритмоқчиман. Чунки бу туйғу СССР ташкил топган кунининг 60 йиллиги арафасида янада кучлироқ, янада равшанрок намоён бўлмоқда.

СССР — турли миллат ва элатларнинг ягона оиласидир. Уларнинг ҳар бири меҳнатидек мустаҳкам Иттифоқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги билан ҳақли равишда фахрланадилар. Аслини олганда. ягона Ватан туйғуси ана шунинг ўзидир. Бу туйғу айниқса, мени жуда қаяжонга солади. Бунинг боиси бор: мен Саратовда туғилиб, Туркманистонда вояга етганман. Мана қарийб 40 йилдирки, Ўзбекистонда меҳнат қиляпман. Россия ҳам, Туркманистон ҳам, Ўзбекистон ҳам менинг юрагимга яқин.

Бизнинг буюк мамлакатимизда ким қаерда туғилгани, камолга етганидан қатъий назар, меҳнат қилган киши юксак қадрланади. Буни ўз ҳаёт фаолиятим мисолида яққол кўриш мумкин. Мен ҳам ўз бахтимни меҳнатдан топдим. Партия ва ҳукуматимиз камтарона меҳнатларимни юксак кадрлаб, орден ва медаллар билан мукофотлади, республикада хизмат кўрсатган агроном деган шарафли номга эга бўлдим.

Меҳнат кишисига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликка жавобан ҳамиша илҳом билан ишлагинг, самарали меҳнат билан Ватанни -ҳуш нуд қилгинг келаверади. Бу туйғу фақат менда эмас, балки коллективимиздаги ҳар бир кишида ҳам бор десам янглишмаган бўламан. Боғдорчилик ва ҳузумчиликка ихтисослашган ҳўжалигимизда 20 га яқин миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар СССРнинг Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида куч ва ғайратларини сира аямаяптилар. Мисол учун юбилей йили кўрсаткичларини олайлик совхозимиз боғбон ва сохибкорлари ҳозиргача эл дастурхонига 3400 тонна ҳўл мева, 6700 тонна узум ва қарийб 1000 тонна сара сабзавот етказиб бердилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз меҳнаткашларига дон, сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планлари муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан йўллаган илҳомбахш табриги коллективимиз аъзоларининг ғайратини янада жўш урдирмоқда. Бинобарин, азиз Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаси республикамиз ғаллакорлари, сабзаводчилари, боғбон ва сохибкорларининг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Шу юксак баҳога жавобан биз янада яхшироқ, самаралироқ меҳнат қилишимиз, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришимиз, шу тариқа Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшишимиз лозим.

С. ЗАРОДИН,
Оржоникидзе районидаги Кибрай совхоз-заводининг бош агрономи.

СПОРТ

МАВСУМ НИҲОЯСИДА

Ўтган жума куни мамлалат чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган футбол командалари ўртасида сўнгги тур учрашувлари бўлди.

Шуниси эътиборга лойиқки, мавсумнинг охирги ўйинларидан кейин кучлилар сафида иштирок этадиган икки кучли команда аниқланди. Яъни 56 тадан очко жамгаришга муваффак бўлган Вильнюснинг «Жальгирис» ва Кишинёвнинг «Нистру» футболчилари келаси мавсумдан олий лигада иштирок этишади.

Вильнюслик футболчилар охирги учрашувни Запорожьеда маҳаллий «Металлург» командаси билан ўтказишди. Бу матч ниҳоятда жанговар бўлганлиги билан томошабинларда яхши таассурот қолдирди. 90 минут давомида рақиблар биттадан муваффақиятга эришдилар.

Кишинёвнинг «Нистру» коллективи ўз майдонида турнир жадвалининг сўнгги погонасини эгаллаган Костроманинг «Спартак» клубини қабул қилди. Майдон эгалари учун ғалаба ниҳоятда зарур эди. Улар бунга эришдилар ҳам. Молдавиялик футболчилар дастлабки минутларданоқ ташаббусни ўз қўлларига олиб, уни учрашув охиригача бой беришмади. Мезбонлар томонидан уюштирилган ҳужумларнинг учтаси меҳмонлар дарвозасига тўп киритилиши билан якунланди. Қизиқарли ўтган матчда «Нистру» командаси 3:0 ҳисобида ғолиб чиқди.

Мавсумнинг сўнгги туридаги энг йирик ҳисоб Львовда қайд этилди. Бу ерда маҳаллий СКА «Карпати» клуби Смоленскнинг «Искра» коллективи билан куч синашди. Майдон эгалари ҳужумкорликда ҳаракат қилишлари туфайли меҳмонларни беш маротаба ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур этдилар. «Искра» коллективи бирон маротаба ҳам муваффақиятга эриша олмади.

Жиззахнинг «Звезда» коллективи сўнгги учрашувни ўз майдонида ўтказди. Жиззахликлар Душанбенинг «Помир» командасига қарши ўйнашди. Учрашув тақдирини меҳмонлар томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

Бошқа учрашувлар натижаси билан танишинг: — «Колос» (Никополь)— «Даугава» (Рига) — 3:2, «Таврия» (Симферополь) — «Гурия» (Ланчхути) — 4:0, СКА (Одесса) — СКА (Ростов) — 1:0, «Заря» (Ворошиловград)— «Динамо» (Киров) 1:1, СКА (Киев) — «Шинник» (Ярославль) — 1:4, СКА (Хабаровск) — «Ротор» (Волгоград) — 3:0, «Локомотив» — (Москва) — «Факел» (Воронеж) — 0:0.

Шундай қилиб биринчи лига командалари бу йилги мавсумни ниҳоясига етказишди. Энг кўп — 56 тадан очко жамғарган Вильнюснинг «Жальгирис» ва Кишинёвнинг «Нистру» командалари келаси йилдан бошлаб олий лигада иштирок этишади.

ҒАЛАБА ВА ДУРАНГ

Москва ва Боку шаҳарларида сув полоси бўйича СССР биринчилигининг сўнгги боқич учрашувлари ўтказилмоқда.

Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ватерполчилари Боқуда 7—12-ўринлар учун кураш олиб бораётган коллективлар сафида баҳс юритишяпти. Вакилларимиз бу ерда дастлабки учрашувни майдон эгалари — ККФ ватерполчилари билан ўтказиб, 8:6 ҳисобида ғалаба қозонишди. Эртаси куни эса «Москвич» спортчилари билан куч синашишди. Бу учрашув ниҳоятда жанговар ўтиб, 8:8 ҳисобида тугади.

ҒУРУР

Этюд

Ҳар куни алламаҳалгача пишиллаб ухлайдиган қенжатойим Сарваржон каттакичик, ҳамма-ҳаммасининг дилига ажиб бир сурур бахш этадиган бу байрам тонгида барвақт уйғонди. Негаки, бундан бир ҳафта бурун унн республика пойтахтининг бош майдони — Ленин номли майдонга намойишга олиб боришга сўз бергандим. Ҳатто боласи тушмагур кеча кечқурун ухлашга ёта туриб:

— Ада, эртага парадга борамиз-а, эсингиздан чиқмадими? — деб, гўё мени огоҳлантириб, келишган шартимизни «ёдимга ҳам солиб» қўйганди.

Кумуш тонг отиши билан ота-бола ваъдалашувимизга мувофиқ Владимир Ильич Ленин номли майдон сари йўл олдик.

Мана, кафтдек текис, кенг ва равон майдон минбарининг ўзимизга белгиланган секторидан ўринимизни эгалладик. Ҳа демай одамни сеҳрлаб, ғайрат-шижоатини қўзғатувчи тантанавор музика садолари остида ҳарбий парад бошланди. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг табрик нутқидан эгнларидаги формалари ўзларига ҳудди қўйиб қўйгандек ярашган офицерлар, саф тортган адл қоматли аскарларнинг: «Ура, ура»лари бир-бирига қўшилиб, қиши дилини аллақандай ифтихор туйғуларн ила тўлқинлантирар, айни чоғда илҳомбахш қудрат билан ларзага ҳам соларди. Мен гурс-гурс қадам ташлаб илгари бораётган жангчиларга боқаркан-ман, Сарваржонни бошим узра даст кўтарар, гоҳ ёнимга ўтқазиб қўяр, гоҳ парад катнашчиларининг ҳар бир ҳаракатларини зўр қизиқиш билан кузатардим. Ўғлим эса замбарак, танк, ракета ва бошқа хил қурол-аслаҳалар, умуман, ҳарбий техникани кўз-кўз қилиб ўтиб бораётган жангчиларга ҳаяжон ва ҳавас билан тикилар, улардан қўз узмас, дамбадам янграб турган жарангдор «ура» садоларига жўр бўлар, кўлидаги байроқчасини баланд кўтарганча шодлиги ичига сиғмай, завқ-шавқ билан қийпирарди. Шу аснода унинг кичик қалбида қатта ғурур яшнинганлигини пайқаб олиш унчалик қийин эмасди. Болакайнинг қувончи оламжаҳон эди.

Кўзларим пастга қадалган. Тап-тап этиб, осмон фалакка ўрлаётган оппоқ кабутарларга меҳр билан термулар эканман, оддий сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган сирли сурурдан энтикаман. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари парадида кўрганларим ва ўғлимнинг мингламлаб, миллионлаб холис ниятли кишилар, истиқболимиз эгаси бўлмиш қанчадан-қанча Сарвар жонлар-у, Азизахонлар бахтига бағишлаган ва мусаффо осмонимизда оқ кабутарлар чарх уриб парвоз қилаверсин-у, осойишта тушмушимизнинг чинакам посбони — Совет Армиясининг замонамизга мос ҳарбий техникани эгаллаш, малакаю маҳоратни ошириб боришда эришаётган ютуқлари қўпаяверсин. Айни пайтда биргина суюкли диёримиздагина эмас балки бутун жаҳон миқёсида халқларнинг орзу-армони, хоҳиш-иродаси бўлмиш эркин ҳаёт ва тинчлик барқарор бўлаверсин!».

Музаффар ТУРОБОВ.



Алло, ойижон сизни байрам билан табриклайман...

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

СЕШАНБА

9 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.10 «Киносаёҳатчилар клуби».
11.15 Болалар учун фильм. «Боба ва фил».
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Комсомол — менинг тақдирим». Ҳужжатли фильмлар:
«Бригаданинг туғилиши».
«Қўлни бер, ўртоқ».
16.10 Зелена Гура шаҳрида болалар қўшиқлари байрами [ПХР].
17.10 «Объектив».
17.40 «Ижод қувончи». Москва области Ленни райони «Родничок» фольклор ансамблининг концерти.
17.55 «Экономика тезкамли бўлиши керак».
18.10 «Композитор Андрей Штогаренко». Фильм-концерт премьераси.
19.00 «Тартиб посбонлигида». Совет милициясининг оддий иш кунлари ҳақида телевизион очерк.
19.30 «1982 йил қўшиқлари».
20.30 «Буюк халқ ҳақиқати». Кўп серияли телевизион фильм премьераси. 2-фильм. «Окла».
21.30 «Время».
22.05 СССР Ички ишлар министрлиги органлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг конценти. Танаффус пайтида (22.50) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
19.50 Ҳужжатли фильмлар:
«Янги келган одам ва директор».
«Гекто» ёшлар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Динамо» (Тбилиси). Ереводан олиб кўрсатиладн. 2-тайм.
21.30 «Время».
22.05 «Эқилмаган жавдар гули». Бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильмлар:
«Димканинг хўрози», «Димканинг жаҳли чиқди».
11.55 «Қувноқлар даврасида».
12.25 «Буратино қаргузашти». Телевизион бадиий фильм. 1-серия [рус.].

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Денгиз қароқчилари», «Олтин элакча». Мультфильмлар.
18.25 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар».
18.45 «Жонажон ўлка».
19.15 Совет милицияси кунига. Узбекистон ССР Ички ишлар министри К. Эргашев сўзи.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Х. Раҳматуллаев хотира совринн учун футбол бўйича ўсмирлар турнири. 1—2-ўринлар учун. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж [ёзиб олинган].
20.30 «Ахборот».
20.50 Муножот Йўлчиева куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Энг охирги кун». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

«КИШЛОК ХАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 13653.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000. ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарн — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36 Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Гаржима бўлимлари — 32-33-81-42, 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52 Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашрнёт диспетчери — 32-78-94 Нашрнёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543.

А. 1157.